

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН

М.З.Айтымбетов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

Таянч сўзлар: Қорақалпоғистон, умумий ўрта таълим мактаблари, мактабларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, ривожланиш тарихи, умумий ўрта таълим ислохотлари, ўқитувчилар билан таъминланиши, таълим мазмуни, моддий техник база.

Ключевые слова: Каракалпакстан, средние общеобразовательные школы, роль школ в общественной жизни, история развития, реформа среднего образования, обеспечение учителей, содержание образования, материально-техническая база.

Key words: Karakalpakstan, secondary general education schools, the role of schools in public life, history of development, reform of secondary education, providing teachers, the content of education, material and technical base.

Умумий ўрта таълим мактаби – ижтимоий ҳаётнинг муҳим, ажралмас қисми бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий ривожланишларнинг асоси сифатида, шахснинг маънан етуқлигини кафолатлайдиган, уларда илмий дунёқарашни шакллантиришда катта имкониятларга эга муқаддас маскан саналади. Шу боис, Қорақалпоғистон халқи ижтимоий ҳаётида ҳам бу таълим муассасаларининг ўрни ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ушбу таълим муассасалари маҳаллий халқ фарзандларининг ҳар томонлама ўсиб улғайишига, ривожланишига, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун қатор шароитлар яратиб берди. Мактабларда таълим олган фидойи инсонлар меҳнати орқали Қорақалпоғистон сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий соҳаларда ўзига хос ривожланди.

Қорақалпоғистондаги дастлабки янги усулдаги мактаблари XIX аср 70 йилларига келиб ўз фаолиятини

бошлаган бўлса, бундан юз йил ўтиб, яъни, XX аср 70 йилларига келиб, умумий ўрта таълим мактаблари сони 623 га етди. Ушбу мактабларда 184,4 минг нафар ўқувчилар таълим олиб, 10,2 минг ўқитувчилар педагогик фаолият олиб борди. Ушбу йилларда Қорақалпоғистон аҳолисининг умумий сони 702 мингга ташкил этди (1-жадвал) [7].

Бу йилларда мактаблар тармоғини сон жиҳатдан ривожлантиришга юқори эътибор қаратилган. Бироқ кўпгина мактабларда, айниқса, қишлоқ жойларида мактаблар моддий-техник базаси ночор аҳволда эди. Таҳлил қилинаётган йилларда Қорақалпоғистонда умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун мактабларни барча санитария-гигиеник, педагогик талабларга мос бир типдаги бинолар, ўқув фани хоналари, лабораториялар, ўқув кўрсатма куруллар, кутубхоналар, малакали ўқитувчилар билан таъминлаш сингари қатор муаммоларни ҳал қилиш зарур бўлди.

1-жадвал

1970-80 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси кундузги умумий ўрта таълим мактаблари

№	Мактаблар, ўқувчилар, ўқитувчилар ҳақида маълумот	1970-1971 йй.	1975-1976 йй.	1978-1979 йй.	1979-1980 йй.	1980-1981 йй.
1	Жами мактаблар сони	623	646	657	666	660
2	Бошланғич мактаблар	202	159	146	142	132
3	Тўлиқ эмас мактаблар	170	175	178	182	175
4	Ўрта мактаблар	250	311	333	342	353
5	Жами ўқувчилар сони (минг ҳисобида)	184,4	226,1	239,4	247,3	255,8
6	Жами ўқитувчилар сони (минг ҳисобида)	10,2	13,5	14,6	15,4	16,0

1977-78 ўқув йилида 6282 ўринга мўлжалланган 15 та мактаб биноси янгидан қурилган бўлса, 1983 йилда 13376 ўринлик 18 та мактаб биносини, 1985 йилда 17592 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 20 та мактаб биносини ишга тушириш қўзда тутилди. 1985 йилга келиб ўқувчиларнинг сони 282 мингга етишини ҳисобга олсак, бу республика жами халқининг тўртдан бир қисmini ташкил этди. Бу янги мактабларни ишга тушириш борасидаги амалга оширилаётган чора - тадбирлар ўқувчилар контингентининг ўсишига тўғри келмади, яъни ўқувчиларни тўлиқ янги мактабларга қамраб олиш имконияти қаноатлантирилмади. Мактабларни ишга тушириш халқнинг демографик ўсишига тўғри келмади.

Ушбу йилларда мактаблар ва касб-хунар таълими орасидаги боғлиқликка кенг эътибор қаратилди. Яъни мактабнинг 8 синфини тугатаётган ёшларни касб хунар таълим муассасаларига қамраб олиш борасидаги ишлар шиддат билан олиб борилди. 1981 йили мактабларнинг 8-синфини тугатган 6 мингга яқин ўқувчилар касбий техник таълим муассасаси, техникум ва педагогик билим юртларига қамраб олинди. Шу билан бирга бу йилларда мактабларнинг кечки ва сиртки шакллари ташкил этилиб, халқ хўжалигида иш билан банд бўлган, умумий ўрта таълим маълумотига эга бўлмаган ёшларни таълим муассасаларига жалб қилиш ишларига ҳам кенг эътибор қаратилди. Бунинг натижасида 1959-60 ўқув йилида 555 нафар ўқувчи ўрта таълим олган бўлса, бу кўрсаткич 1975 йили 2293 нафар, 1982 йилга келиб 8900 нафар, 1983-84 ўқув йилида 9310 нафар ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта таълим олиш имкониятига эга бўлди.

Мактаб ислохотларини амалга ошириш бўйича

чора-тадбирлардан келиб чиқиб, мактаблар сонини 1990 йилга келиб 679 га етказиш қўзда тутилди. Мактаб таълимини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида, фаолият юритаётган бошланғич синф мактабларининг сонини қисқартириш ҳисобидан, оптимал комплектли 8 йиллик мактабларни ривожлантириш режалаштирилди. Умуман, 11 та бошланғич синф мактабини қисқартириш ҳисобидан 7 та саккиз йиллик, 19 та ўрта мактаб фаолиятини йўлга қўйиш қўзда тутилди.

XX асрнинг 80 йиллари ўрталаридан бошлаб мактаб таълимини ислох қилиш бўшланди. Яъни, 1984 йили умумий ўрта ва касб-хунар таълимини ривожлантириш ҳақида ҳукумат Низоми қабул қилинди. Унда ёшларга умумий таълим беришни такомиллаштириш, умумий ўрта таълим мактаби шароитларини яхшилаш, ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбиялаш, касбга йўналтириш, уларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатини ташкил этишни яхшилаш назарда тутилди. Ушбу нуқтаи назардан, Қорақалпоғистонда умумий ўрта таълим ва касб-хунар мактабларини ислох қилишнинг комплекс дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим билан баробар қўшимча касб-хунар ўрганиб, соҳалар бўйича кичик мутахассислик бўйича таълим олиши йўлга қўйилди. Шу мақсадда мактаблар ёнида касб-хунар устахоналари ва мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари фаолияти йўлга қўйилди ва ўқувчилар ўрта маълумот ҳақидаги аттестати билан бирга қўшимча касблар бўйича ва ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлди.

Мактаб ислохоти педагог ходимлар олдида қатор вазифаларни қўйди, шу боис ислохотларни амалга оширишда мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилди.

Ислохот бошлангандан кейинги уч йил (1984-87 йй.) ичида мактабларга 4806 нафар ёш мутахассислар йўлланма олди. 1990 йили республикада 20,5 минг ўқитувчи меҳнат қилиб, уларнинг 82 фоизи олий маълумотга эга эди. 1981-1985 йилларда мактабни ислох этиш бошланиши билан мактаб қурилиши ишларига эътибор қўйилди. 1981-1990 йилларда 117,4 минг ўринлик 225 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, улардан 83,7 минг ўринлик 160 та мактаб ислохотлар жараёнида қурилди [8:352].

Давлатимиз мустақиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикасида 691 та умумий ўрта таълим мактаблари фаолият қўрсатиб, уларда 315103 ўқувчи таълим олди. Бу мактабларда 28053 ўқитувчи фаолият олиб борди (1.2-жадвал) [10,3].

Ушбу даврга келиб сиёсий ва иқтисодий вазият мураккаблиги туфайли таълим тизимида бир қатор муаммолар кузатилар эди. Асосан мактабларнинг ўқувчилар сонига нисбатан кам эканлиги жиддий муаммолардан бўлди. Шу боисдан мамлакат бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига жами 41328 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 75 та мактабда қурилиш ишлари олиб борилиб, 1991 йил охиригача 20449 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 36 та мактабни ишга тушириш кўзда тутилди [9:174]. Лекин 120 та мактабда жорий таъмирлаш тугалланмаган, капитал таъмирлаш лозим бўлган 114 та мактабнинг фақат 23 тасида таъмирлаш ишлари бажарилган. Айнан иш бошлаган мактабларнинг барчасини ўқув инвентарлари билан таъминлаш борасида ҳам муаммолар мавжуд эди. Ажратилган 254,4 минг сўмдан фақат 65 фоизи, яъни

167,4 минг сўм мактаблар учун ишлатилган эди [9:175]. Айниқса, ўқувчиларни ўқув жиҳозлари билан таъминлашда жиддий муаммолар кузатилди. Шунингдек, барча мактаблардан фақат 492 та мактаб кутубхона, 448 та мактаб устахона, 362 та мактаб ошхона ва буфет, 151 та мактаб тиббий хоналар билан таъминланган эди [9:194].

Юқоридаги маълумотлар минтақадаги халқларнинг саводхонлик даражасини ошириш учун халқ таълими соҳасида асосий вазифа этиб белгиланганлиги албатта ижобий ҳодиса эди. Лекин таълим соҳаси халқимизнинг миллий маънавияти, қадриятларидан, улғў аждодларимиз меросларидан бутунлай ажралиб, юқоридан бошқарилар эди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўсиб келаётган ёш авлодга халқимизнинг миллий тарбия негизлари, тарихий мероси, аксиологик билимларини ўргатадиган ахлоқшунослик, одобнома ва ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанларнинг етарли даражада ўқитилмаслиги, мавжуд ёки мазмунан яқин фанларда эса юқоридаги мавзулар умуман ўргатилмаганлиги ушбу соҳадаги асосий муаммолардан бўлди.

Шу боис, мустақиллик йилларида мактаб таълими мазмунини модернизация қилишга, айниқса, бошланғич таълим сифатини яхшилашга, ўқитувчилар билим савиясини юқорилаштишга, мактаб битирувчиларининг келажакдаги ҳаёти билан боғлиқ масалаларга, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, жумладан ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имкониятлар яратиш каби қатор муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Адабиётлар

1. Алеуов У. Қарақалпақстанда таълим-тарбиялық ойлардын қәлипәсиуи ҳәм раўажланыўы. (Қарақалпақ халқынын педагогикасы тарийхы). -Нөкис: "Билим", 1993. 504-б.
2. Алеуов У. Каракалпакия. // Российская педагогическая энциклопедия. Т-1. -М.: Большая Российская энциклопедия. 1993.
3. Карлибаев М. История народного образование в Каракалпакии XIX-XX веков: - Автореф. дисс...кан.ист.наук. - Н.: 1995.
4. Сейтимбетова Р.И. Развитие дошкольного образование в Каракалпакстане: Дис. ...канд. пед. наук. - Т.: 1997. -С. 157.
5. Уразбаева Р.Дж. История образования в Каракалпакстане. - Т.: «Yangi nashr», 2011. -С. 272.
6. Урумбаев Ж. Очерки истории школы в Каракалпакстана (1810-1970 гг.). Н.: "Каракалпакстан", 1974. -С.583.
7. Народное хозяйство Каракалпакстана. -Н.: "Каракалпакстан", 1981. -С.181.
8. Қорақалпоғистон XIX асрнинг 2-ярмидан XXI асргача. -Н.: "Қарақалпақстан, 2003. 556-б.
9. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси архиви. Фонд. 35, оп.1, д.79, 169,174-175, 194-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фонд, м-26, оп.1, ед.хр. 107, 3-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қорқалпоғистон умумий ўрта таълим мактабларининг мустақиллик йилларига қадар ривожланиши илмий педагогик, тарихий нуқтаи назардан ўрганилиб, ушбу йиллардаги таълим ислохотлари бўйича маълумотлар умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается развитие общеобразовательных школ в Каракалпакстане до обретения независимости с научно-педагогической и исторической точки зрения, а также обобщаются данные о реформах в системе образования в эти годы.

SUMMARY

The article discusses the development of secondary educational schools in Karakalpakstan until independence from a scientific, pedagogical and historical points of view and also summarizes data on educational reforms these years.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ТАЖРИБА (ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ)

Т.А.Хатамов – тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Таянч сўзлар: таълим, ёшлар, ислохотлар, ўқитувчилар, моддий-техник база, дарсликлар.

Ключевые слова: образование, молодёжь, реформы, учителя, материально-техническая база, учебники.

Key words: education, youth, reforms, teachers, material technical base, textbooks.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантикий давоми сифатида эътироф этилувчи Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган ислохотларни илмий-тарихий жиҳатдан таҳлил қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таълим ислохотлари жараёнида энг муҳим босқич-мактаб таълими узлуксиз таълим тизимида бўш бўғинга айланиб қолганлиги билан бирга кўплаб камчиликлар ва муаммолар ҳам бу даврда йиғилиб қолганлиги маълум бўлди. Бу айниқса, мактаблар моддий-техника базасининг ночорлигида яққол кўзга ташланди, қишлоқ

жойларда бу борадаги аҳвол жуда танг даражага келиб қолганди. Шу боис мактаб таълимидаги муаммолар, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг яхлит-ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ жиддий масалаларни бартараф этиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг истиқболдаги босқичларини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида **2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” [1] махсус фармойиши эълон қилинди.**